


## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 12015,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 103,3 фоизга teng бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлибхизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,2 фоиз, (ЯҲМ таркибидағи улуши – 18,4 фоиз), саноат – 103,3 фоиз (36,3 фоиз), қурилиш – 101,1 фоиз (7,8 фоиз), савдо, яшаёт ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,2 фоиз (8,1 фоиз), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,4 фоиз (7,0 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,7 фоиз (22,4 фоиз) ни ташкил қилди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь–сентябр ҳолатига (жасига нисбатан фоизда)



2017 йилнинг январь–сентябрда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 37,5 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 1,2 пунктга кўпдир (36,3фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,1пунктга камайди ва ҳисобот даврида 7,0 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,2 пунктга ошди ва 8,1 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь–сентябрдаги 21,3 фоиздан 2017 йил январь–сентябрда 22,4 фоизга ошди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 51,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

**Январь–сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		<i>2016 йил январь–сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2016 йил</i>	<i>2017 йил</i>	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>10508,5</b>	<b>12015,7</b>	<b>103,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9901,3	11260,0	103,3
Маҳсулотларга соғ солиқлар	607,2	755,7	102,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>9901,3</b>	<b>11260,0</b>	<b>103,3</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги	1752,6	2072,3	102,2
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	4556,1	4966,3	102,9
саноат	3753,0	4091,7	103,3
курилиш	803,1	874,6	101,1
Хизматлар	3592,6	4221,4	104,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	785,6	914,2	103,2
ташиш ва сақлаш,			
ахборот ва алоқа хизматлари	700,6	791,2	105,4
бошқа хизматлари	2106,5	2516,1	104,7